

МУНДАРИЖА
БАРХАЁТ СИЙМОЛАР

Узакбай ПИРЖАНОВ. Ихти ҳикоя.

Есирининг ўғли.	4
Бўзтўргай.	6

НАЗМ

Шукур ҚУРБОН. Кечикмаган ишқ садолари. Сонетлар.	12
Савобар МЕХМОН. Ишқ деб аталган энг сирди фанман.	19
Салим АШУР. Китобларниң қатида шеърлар бориб келиди.	34

НАСР

Азизулло АРАЛ. Кули вўкса созилмас асар.	42
Фотима АБДУРАИМОВА. Илниж. Новелла.	116
Шовра ЭРМЕТОВА. Одамнинг уйи. Ҳикоя.	132

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Нигора АШУРОВА. Адабиётшуносликда зёл образи талқини.	46
Муҳаммадин БАУЕТДИНОВ.	

"Сўзим халқ оғзида колса розиман..."

Азимжон ДАВРОНОВ.	
ОТА - Жаноби Мавло ёхуд	
Ҳамза мақтубларининг ёшлилар тарбиясидаги аҳамияти.	136
Йўлдош МИРЗАЕВ. Ҳақонийтиклини устувор билган адаб.	140
Салима ЖУМАЕВА. Бадний образ яратиш маҳорати.	145

ТЕРАН ТОМИРЛАР

Бейшенбай УСУБАЛИЕВ. Минг. Ҳикоя.	25
-----------------------------------	----

ДРАМАТУРГИЯ

Исрорл САПАРБОЙ. Амир ТЕМУР. Тарихий драма.	62
---	----

ТАДДИҚОТ

Тиловмурод ШАЙМАРДОНОВ.	
-------------------------	--

Сиддикий-Ахмийнинг Исмоил Гаспринский марсияси. 51

Зумрад МАШАРИПОВА. Яшил ишқ ва ранг-баранг гуллар.	56
--	----

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Дилноза КАМОЛ. Шивирингдан уйғонсин дунё.	152
---	-----

ҚАДРИЯТ

Замира РЎЗИЕВА. Дарёдил муаллимим. Эссе.	159
--	-----

ЁШЛАР Дафтари

Махлиён УМУРЗОКОВА. Нигоҳларим туташар уфқка.	166
---	-----

ГУЛҚАЙЧИ

Этамназар СОҲИБНАЗАРОВ. Илҳомкуш. Ҳажсия.	170
---	-----

BOLALAR DUNYOSI

Ошеверсан РО'ЛАТ. Qani so'yila шајиштол.	172
--	-----

Адабий ҳаёт.	174
--------------	-----

Шарқ ўлдузи

2022

6-сон

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри таҳририят ижодни жамоаси нуткази назаридан фарқланни мумкин.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қўйтирилмайди.

Журнал ОАК эътироф ётган наширларнинг 10.00.02 "Ўзбек адабиётни" ижтисосидаги бўйича рўйтиятига киритилган.

* Журналга обуна дарий наширларни етказиб берниш билан шугууланувчи барча ташкилотлар оркали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:
100066, Тошкент шаҳри,
Будёнвир шаҳарчига, Адабиёр хиёбони,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
биноси.

Телефонлар:
71231-23-65, 71231-23-68 903721438
www.sharyuldizi.uz
e-mail: sharyuldizi@mail.uz
sharyuldizi1931@mail.ru

Босишига руссат этилди:
26.07.2022
Котоз бичимин 70%108 //
Офсет босма усунцида офсет юғорилиш
босиши. Босма табоги 11.0.
Шарғли босма табоги 15.4.
Нашриёт хисоб табоги 17.2.
Адали 7150 нуска.
Буюртма №16

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва
изборот агентлигинида 05.02.2016 й.
0562-рекам билан рўйчотта олинган.
"PRINT REBEL" МЧЖ
матбаа юрхонасида чоп этилди.

Корхона манзали:
Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,
Урозбоев кўчаси, 35-ий
Журнал сайди бир марта
чоп этилди.

Мусахихлар:
Дилғуз Махмудова
Моҳира Ҳусанова
Саҳифаловчи-дизайнер:
Муҳаммадсадик Сайфуллаев
Copyright © "Шарқ ўлдузи"



**Азимжон
ДАВРОНОВ**

ОТА – Жаноби Мавло ёхуд Ҳамза мактубларининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти

“...Боқий каминанинг арзи шулким, жаноби домла хизматларида муқиму мустақимдурман. Бир дарс “Шамсия”дан ва бир дарс “Шарҳи мулло”дан ўқиб турибман. Умид қиласманки, жаноби мавлоимнинг дуолари шарофатила ажаб эмаски, Худои таборак ва тақаддас бу каминага ҳам андак фаҳм ато қилғай. Иншооппо, умид қиласманки, бир ҳат менга равона қиссалар, токи хотиржам бўлиб ҳаракат қиссан, албатта Сўнгра акам баъзи биркитобларни “Каломулло”, “Муҳаррам афанди”, “Шарҳи мулло”, “Мухтасари викоя”, “Шарҳи Абдулло”, “Қофия”, “Шарҳи ҳаракот” дафтарча ва бир карта лозим. Шуларни юборсалар, деб илтимос қилдим... Нури чашмингиз мулло Ҳамза”¹.

Мазкур мактуб Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг отасига йўллаган мактубларидан бири бўлиб, ёзган ҳатларининг деярли ҳар бирида у ўзини бебаҳт, бечора, бефаҳм, иқболсиз, гумроҳ, ноқобил деб, тасвирлайди. Отасидан ҳар беш вақт намозида уни дуо қилишини, падари бузруквори дуолари таъсирида бахту-иқболли, фаҳм-фаросатли бўла олишини айтишни канда қилмайди.

Кўринмоқдаки, ўқув дарслеклари ва илмий манбаларда асосан ўзбек драматургиясининг асосчиси, улут щоир сифатида қайд этиб келинадиган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий дастлаб щоир ёки ёзувчи, драматург ёки композитор

¹ Ҳ.Ҳ.Ниёзий, ТАТ, 5 жилдлик, 5-жилд, Т., 1989 йил, 328-бет.

Азимжон ДАВРОНОВ – 1969 йилда тузиған. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг (ҳозирги ТДПУ) ўзбек филологияси факультетини битирган. “Хуррият – Ҳамза изходининг бош масаласи”, “Ҳамзанинг “Ўч” номли пъесасида ижтимоий муаммолар таъини”, “Ҳамза – жадид адабиётининг намояндадаридан бири” номли илмий мақолалари эълон қилинган.

ОТА – Жаноби Мавло ёхуд Ҳамза мактубларининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти
бўлишни ҳаёлига ҳам келтирмаган. 1905–1906 йилларга келиб Шарқ мумтоз адабиётларидан илҳомланиб, севги-муҳаббат мавзусида шеърлар ёзган. Унинг бу туркумдаги шеърлари “Девони Ниҳоний” асарига ҳам киритилган бўлиб, шоирнинг ижоддан бўлак ҳаётидаги асосий мақсад ва интилишлари эса олий даражадаги диний маълумотга зга бўлишга қаратилган эди.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 1908–1909 йилларда бу ниятни амалга ошириш, яъни диний илмни мукаммал эгаллаш мақсадида Наманган мадрасаларида таҳсил олган. Почта, телефон, телеграф каби алоқа воситалари бўлмаганлиги сабабли Намангандан отасига тез-тез мактублар ёзиб турган. Мактублар, Наманган ва Кўкон шаҳарлари ўртасида савдо-сотик ишлари билан қатнаб юрувчи аравакашлар орқали юборилган.

Бўлғуси шоир отасига юборган мактубларидан бирида шундай ёзади: “...Нури чашмингиз Наманган балдасида истиқомат қилиб, илм талабида жанобларининг дуоси билан машғул бўлиб юрибман. Умид қиласманки, жаноблари ҳам беш вақт намоз вақтида дуо билан эсласинлар. Зора жанобларининг дуолари шарофати билан яратувчи ўзининг лутфу карами била бу бечораларни ҳам ўз мақсадларига етказса, ажаб эмас, омин...”²

Ушбу мактуб мазмунидан кўринадики, Ҳамза 19–20 ёшларида доимий равишда ибодатда юрган. Ҳар ўқиган намозида ота-онаси ҳақига дуо қилган ва ўз навбатида отасидан ҳам дуо қилиб туришини сўраган. Шу билан бирга барча мактубларида отасига нисбатан юксак ҳурмат ва эҳтиромини ифодалаб келган. Бу эса Ҳамзанинг ота-она тарбиясига эътибори, эҳтиромидан далолат бериш билан бирга унинг мустаҳкам диний эътиқодли мўмин-мусулмон бўлганини билдиради.

Юкоридаги мактуб давомида яна шундай сатрлар бор: “Табаррук мактубингизни мутолаа қилиб шуни билдимки, бундан олдинги хатим сизга етиб бормапти, қайтиб келди. Сабаби шуки, Обидилло маҳсум муҳаррам ойининг тўргинчисида акамулло эшонқорига бир хат юборган эканлар ҳамда уч сўм пул, китобхонадан уч-тўртта китоб юборсин деган эканлар. Акамиз бир “Шифохия” ном китоб, аввалги жузъи, кейинги жузъи, яна учта “Қавонайн” олиб, харитани ичига солиб юборган эдилар, келиб тегди. Харитани ичидан омонатни олиб бердим, очиб кўриб: “Ичиди хати ҳам борми?” деб сўрадилар. Ҳарчанд қидирдик – хат йўқ экан. Сониян, (иккинчидан ёки сўнг) пулини ҳисоблаб айтдиларки, “Пули уч танга бир мири кўп бўлибди. Истроил қорининг хат ёзмаганининг сабаби нимада экан?” деб, чиқиб кетдилар. Уч кундан кейин яна келиб айтдиларки, “Истроил қоридан хат келди”, деб кўлумга бир хат бердилар, очдим, кўрсамки, акамнинг хати. Мазмuni буки, “Обидилло маҳсум маълумингиз ўлсунки, мазкур китоблардан уч танга, бир мири қолган, бир дона хат билан мулла Ҳамзахонни харитаси (посилка-жўнатма)ни ичига солиб юбориб эрдим, йўқлаб олинг, иккинчи шулки, ман савдогарчилик кўчасидан бехабарроқдурман, соҳиб ихтиёр ўзингиз. Хуллас, Обидилло маҳсум: “Истроил қори юборган пул ила хат қани”, деб сўрадилар, ҳайрон бўлдим. Шунчалик ўсал бўлдимки, маҳсумнинг олдида бундай ҳаётдан ўлим афзал бўлиб қолди.

2 Ҳ.Ҳ.Ниёзий, ТАТ, 5 жилдлик, 5-жилд, Т., 1989 йил, 325-бет.

Бу нима гап?! Хаританинг ичида на пул ва на хат бор. Юбормаган нарсаларини “максум юбордим”, деб хат ёзиб, мусофириликда дилимни қоп-қора қилдилар. Мен Эшонқори ҳаққига нима ёмонлик қилган эдимки, бу bemazaliklarни менинг ҳаққимга раво кўрадилар. Шу сабабдан ҳайрон бўлиб максумга айтдим менга на хат ва на пул келди, деб. Бу ҳафта хат ёзиб, қиблагоҳдан сўрайман, деб зўрға узр сўрадим. Менга ҳеч нарса келган эмас. Ҳакиқатни сўранг, бир хат ёзиб, ҳакиқатини ёсингилар, (нега ёлғон ёзганини тушунтиурсингилар, – демокчи. – Д.А) тики мен хижолатликдан чиқайин. Жон қиблагоҳим”. Дуогўйингиз мулла Ҳамза³.

Мактубнинг давомидан англаш мумкинки, Ҳамза мусофириликда камбағалликда кун кўрган. Арзимаган уч танга бир мири пул уни катта ташвишга солган. Ҳакиқат, адолат, ростгўйлик, орномус масалаларининг устуворлиги Ҳамза шахсиятига хос бўлган хусусиятлардандир. Бу хусусиятлар унинг қай даражада тарбия топганини характерлайди.

Мазкур хатларнинг ҳар бирида отасига куйидаги сўзлар такрор-такрор айтилади: “Оллоҳ мангур. Жаноби қиблагоҳимни Оллоҳу Таолло икки дунёда саломат қилиб, умрингизни ва иқболингизни киёмат кунига қадар зиёда қилсин. Бу хизматдан узоқ маҳкурданким, ҳар доим марҳаматпаноҳ ва шафқатдастгоҳ, қиблай ҳакиқий ва қаъбаи таҳқиқ хизматидадур, арзи етсун. Хотир ойинаси кўп хосияти суҳбатнинг шарафи учун фармонбар ва ризо густардир. Илоҳи, бу бечораларнинг иқболига субҳу шом, балки узоқ муддатга соғ ва саломатлик мартабасида бўлсингилар...”⁴

Ҳамзанинг отасига йўллаган мактубларининг ҳар бири кириш қисмида такрорланувчи мазкур жумлалар, унинг сурати ва сийратига сингиган тарбия кўринишидир.

Наманган мадрасаларининг бирида ҳужрада яшаб кун кўраётган талаба Ҳамза навбатдаги мактубида отасига шундай ёзади: “...Уйда менинг бир калошим бор, юборсалар, максини бўятиб киyr эдим. Кафшим кўп нобуд бўляяпти. Бир бедона кафш сотиб олган эдим, рамазон келиб қолди, яна сотиб юбордим. Ифторлик ва саҳарликка харжладим. Бу ҳам қариб тамом бўлиб қолди...”⁵

Кўлида пули бўлмай, кавушини сотиб ифторлик ва саҳарлик учун егулик сотиб олган, ёнида иссиқ овқат тайёрлаб берувчи на онаси ва на аёли бўлмаган ўн тўқиз ёшли йигитнинг шароити оғирлигига қарамай рўза тутишига нима мажбур қилган? Ҳамзанинг ўша вақтдаги ижтимоий аҳволидан хабар берувчи ушбу мактублар, унинг ўта сабрли ва мустаҳкам иродали бўлганини, илм олиш йўлида ҳар қандай қийинчилликка чидаганини кўрсатади. Ҳамза ишлаб, пул топиб, яхшироқ яшашга уринса ҳам бўлар эди. Лекин ишласа тўлиқ таҳсил олиш имкони йўқлиги учун шундай оғир шароитда кун кўришга мажбур эди.

3 Ҳ.Ҳ.Ниёзий, ТАТ, 5 жилдлик, 5-жилд, Т., 1989 йил, 325-бет.

4 Ҳ.Ҳ.Ниёзий, ТАТ, 5 жилдлик, 5-жилд, Т., 1989 йил, 331-бет.

5 Ҳ.Ҳ.Ниёзий, ТАТ, 5 жилдлик, 5-жилд, Т., 1989 йил, 334-бет.

Ҳамза отасига йўллаган яна бир хатида ёзади: "...Агар иложи бўлса, бирор кўрпа ёки кўрпача юборсалар, айни илтифот бўлар эди, чунки ҳужрада икки киши истиқомат қиласиз. Зоҳидилло маҳдумнинг иккита кўрпалари бор эди, биттасини ҳужрага, биттасини танчанинг устига солдик, хобгоҳга қолмади. Арзим шуки, афв этгайсиз ва қабул этгайсиз..."⁶

Мактубдаги ушбу тасвир ўқувчи кўз ўнгидаги совук қиши фаслини гавдалантиради. У пайтлар газ, печка каби уйни иситиш воситалари бўлмаган, асосан танчага чўғ солинган. Чўғ иссиғини сақлаб қолиш учун эса танча кўрпа билан ўралган. Икки донагина бўлган кўрпанинг бири танчага ўралганинги учун ухлашга тўшак қолмаган. Шу сабабли отасидан кўрпа ёки кўрпача юборишини сўраб ёзилган мазкур мактуб бўлғуси машхур ижодкорнинг нақадар оғир ва қийин шароитда яшаб, билим олишга ҳаракат қиласидан маълумот бериш билан бирга Ҳамза шахсияти, руҳияти ва адабий сиймоси тўғрисида тўғри ва мукаммал холоса чиқаришга кўмаклашади.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг муҳим тарбиявий аҳамиятга эга бўлган мактуб ва ёзишмалари жуда кўп. Биз уларнинг атиги бир нечтасидангина келтирилган лавҳаларнитахдил этдик, холос. Аммо шу келтирилган далилларнинг ўзиёқ Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг қандай тарбия таъсирида улгайгани ҳақида тасаввурга зга бўлиш имконини беради. Ўйлаймизки, Ҳамзанинг отасига бўлган ҳурмат-эҳтироми, камтарлиги, ор-номуслилиги, ҳақиқатпарвар ва адолатпарварлиги, илмга чанқоқлигини бугунги давр ёшларига ҳам ибрат намунаси сифатида кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ўзининг қатор бебаҳо ижод намуналари билан ўзбек адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий бир умр ёшларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш ишига ҳам алоҳида аҳамият берган. Бундай тарбия асосини эса у ёшларнинг ўз яқинлари, айниқса, ота-онасига нисбатан муҳаббат туйғуларини ривожлантиришдан бошлиш кераклигини таъкидлаган. Шоир ўқув дарслкларида ҳам ота-онани ҳурмат қилиш энг юксак инсоний фазилатлардан бири эканлигини уқтиаркан, отанинг лирик образини чизишкада унинг амри ҳалқ амридан ҳам кучли эканлигини таърифлайди.

6 Ҳ.Ҳ.Ниёзий, ТАТ, 5 жилдлик, 5-жилд, Т., 1989 йил, 340-бет.